

## АДВОКАТЛИК ХИЗМАТЛАРИ НОТИЖОРАТ ФАОЛИЯТ СИФАТИДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Тураев Шахриёр Шодиёрович

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий  
бошқармаси бош бухгалтери. Мустақил тадқиқотчи

### Аннотация:

мақолада юридик хизматларнинг ичида энг асосийси ҳисобланган адвокатлик хизматининг ўрни ва роли кўрсатилиб уни нотижорат ташкилот сифатидаги фаолияти конун ва мийёрий ҳужжатлар асосида ёритилган. Адвокатлик тузилмалари нотижорат ташкилот сифатидаги ўзига хос хусусиятлари тижорат ташкилотлар билан фарқ жихатлари кўрсатилган. Ҳозирда фуқароларнинг айниқса тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини илдам олиб боришда адвокатларнинг ҳуқуқий маслаҳатлари ва йўл йўриқларининг муҳумлиги катта аҳамият касб этади.

**Калит сўзлар:** нотижорат, сифатида, фаолият, адвокатлик хизмати, асосан, хусусият.

### Кириш.

Ҳозирги шиддат билан ривожланиб бораётган давримизда юридик хизматларга бўлган талаб ҳам шу сингари илгарилаб боради. Бу бутун жаҳон тажрибаларида ҳам кўринади. Юридик хизматларнинг асосий таркиби бу адвокатлик хизмати бўлиб, унда жисмони шахс ҳисобланган фуқароларга ва юридик шахс ҳисобланган тадбиркорларга ҳар қандай малакали юридик ёрдам кўрсатади. Адвокатўра институтини нотижорат ташкилот сифатида ўзига хослиги уни хусусиятларини алоҳидалиги ҳам бу институтни йўналиши ва таркиби мустақиллигидан далолат бериб уни жихатларини ўрганиш муҳум вазифалардан бири саналади.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Мавзу билан мамлакатимизда ва хорижий давлатларда ҳам олимлар ва амалиётчи ходимлар шуғулланиб келмоқдалар. Булар жумласига Л.Б. Хван, Ф.Ҳ. Отахонов, Ҳ.Б.Бобоев, И.Б.Зокиров, Ў.Х.Мухамедов, З.Муқимов, Х.Т.Одилқориев, О.Оқюлов кабиларни киритиш мумкин. Ушбу олимларнинг асарларида мазкур масала қисман ўрганилган бўлиб, унда юридик хизматларида айнан адвокатлик тузилмаларини муоммолари қараб чиқилган. Ушбу ҳолат ҳам танланган мавзунинг ҳозирги кунда, ўта долзарб муаммонинг ечимига бағишланганлигидан далолат беради.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада, анализ ва синтез, сабаб ва оқибат, индукция ва дедукция, замон ва макон, тизимли ёндошув, иқтисодий таҳлилнинг анъанавий, иқтисодий математик ва статистик каби усуллардан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Жаҳонда ривожланган мамлакатлар ичидаги иқтисодиётнинг ривожланишидаги улушини асосий қисми хизматлар кўрсатиш соҳаси эгаллаган ҳисобланиб, ўрни беқиёс ва катта ҳиссаси бор. Хизматлар кўрсатиш соҳалари мамлакат ялпи тушумига нисбатан баланд ва у борган сари ошиб боради.

Адвокатлик тузилмалари фаолияти юзасидан конститутциямизни 29 –моддасида, “Ҳар бир шахс жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан эътиборан ўз танловига кўра адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга”<sup>1</sup> айтиб ўтилган.

Ҳар қандай хизматлар текинга бажарилмайди текинга бажарилган тақдирда солиқ оқибати пайдо бўлиши мумкин бўлади, лекин адвокатлар томонидан мижозларга бепул юридик ёрдам (хизматлар ) кўрсатилади. Солиқ кодексини 58- моддасида- “Қонунчиликда нотижорат ташкилот учун белгиланган шаклда рўйхатдан ўтказилган, қуйидаги шартларга мувофиқ бўлган юридик шахс ушбу Кодекс мақсадида нотижорат ташкилот деб эътироф этилади, агар:

даромад олиш мақсадига эга бўлмаса;

даромадларни ёки мол-мулкни иштирокчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламаса”<sup>2</sup> Шу билан бирга ушбу кодексда нотижорат ташкилотларнинг солиқ солиш баъзасини аниқлаш кўрсатилган бўлиб, даромад солиғини ва қушимча қиймат солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи, сувдан фойдаланганлик учун солиқлар яъни бажарилган иш (хизмат) ларнинг айланмасига доир солиқ ва тўловларни тўловчиси эмаслиги кўрсатилган.

Тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектлар ўз олдига фойда олишни мақсад қилади ва шунга ҳаракатини йўналтиради. Адвокатура тўғрисидаги қонуннинг 4- моддасига мувофиқ, адвокатура нотижорат ташкилотдир ва фаолиятни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади, ўз олдига фойда олишни мақсад қилмайди.

Солиқ кодексининг 70- боб, 477,478- моддаларига асосан адвокатлик ҳайъати, адвокатлик фирмалари ва адвокатлик бюрolari фаолиятнинг нотижорат ташкилотлар сифатида адвокатлар томонидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ қисми бўйича солиқлар ва йиғимлар тўлашдан озод қилинган бўлиб, адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатганлик учун олинadиган гонорарлар суммаларидан адвокатлик

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон

тузилмаларини сақлаш учун олиб қолингандан кейинги миқдор адвокатнинг даромад солиғига тортиш манбааси ҳисобланиб унга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади. Адвокат томонидан кўрсатилган адвокатлик хизмати учун тўланган гонорар – адвокатлик хизмат ҳақи тўлови нотижорат ташкилот даромади сифатида айланмага доир ва ҚҚС га тортилмаганда фойда олишни мақсад қилмаганлиги сабабли фойда солиқ тўловига ҳам тортилмайди. Адвокатлик фаолияти нотижорат фаолият сифатида иш ҳақиға доир солиқ ва йиғимлар тўлайди. Улар иш ҳақидан ижтимоий солиқ тўлови, иш ҳақидан даромад солиқ тўлови ушланади. Хар бир адвокат учун хар ойда БҲМ нинг 0,5% миқдорида аъзолик бадал тўлови ушланиб, агар касаба уюшмасига аъзо бўлган тақдирда касаба уюшмаси аъзолик бадал тўлови ушланади. Адвокатлик тузилмаси солиқ ҳисоботларини ҳам тўланиши лозим солиқ турлари бўйича топширади “Солиқ ҳисоботи солиқ органларига шахс фақат солиқ тўловчи деб эътироф этиладиган солиқлар бўйича тақдим этилади.”-солиқ кодекси 81-модда.

Адвокатура нотижорат ташкилот бўлиб, ўз олдига фойда олишни мақсад қилмайди, адвокатлик хизматларини бажаришда унинг таннархини пасайтириш ёки мижознинг имкониятига қараб унинг тўлаган хизмат ҳақи учун маблағига яраша хизмат қилишни имкони йўқ. Бажарилаётган адвокатлик хизмати тўла туқис малакали равишда амалга оширилиши лозим. Адвокатлик тузилмаларига хизматдан тушган даромадни адвокатура даромади деб булмайд, балким унинг миқдори асосида адвокатнинг меҳнат ҳақи унинг рағбати белгиланади. Бу эса адвокатлик тузилмаларининг фаолиятини фойда кўрмайдиган яъни зарар асосида ишлайдиган тузилмалар дейилиши асло нотўғри саналиб, **“адвокатўра фойдага асосланмаган, нафлилик даражаси юқори, харажатларини режа асосида қоплай оладиган ўзини-ўзи молиялаштирувчи тузилма”<sup>3</sup>** -дейилиш мумкин.

<p><b>Тураев Шахриёр Шодиёрович</b></p>	<p><b>Turaev Shakhriyor Shodiyorovich</b></p>
<p><b>ХАРАКТЕРИСТИКА АДВОКАТСКИХ УСЛУГ КАК НЕКОММЕРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ.</b></p>	<p><b>CHARACTERISTICS OF LAWYER SERVICES AS A NON-COMMERCIAL ACTIVITY.</b></p>
<p><b>Аннотация:</b> В статье обозначены место и роль адвокатуры, которая считается важнейшей среди юридических услуг, а также описана ее деятельность как некоммерческой организации на основе нормативно-правовых документов. Показаны особенности адвокатских структур как некоммерческих организаций и их отличия от коммерческих организаций. В настоящее время большое значение приобретает юридическая помощь и помощь юристов в обеспечении деятельности граждан, особенно субъектов предпринимательства. <b>Ключевые слова:</b> некоммерческая, как, деятельность, адвокатская служба, в основном, особенность.</p>	<p><b>Abstract:</b> The article outlines the place and role of advocacy, which is considered the most important among legal services, and describes its activities as a non-profit organization based on regulatory documents. The features of advocacy structures as non-profit organizations and their differences from commercial organizations are shown. Currently, legal assistance and assistance from lawyers in ensuring the activities of citizens, especially business entities, are of great importance. <b>Key words:</b> non-profit, as, activity, advocacy service, mainly, feature.</p>

<sup>3</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.